

Истиқлол қаҳрамонлари

Абдурауф
ФИТРАТ

**ТАНЛАНГАН
АСАРЛАР**

IV жилд

ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ,
ИЛМИЙ МАҚОЛА ВА ТАДҚИҚОТЛАР

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2006

Дейларким: чигатойча билим ўқумоқчи эсак, ики юз йил кутайлик. «Етти кунда бутун номларни чигатойчада ёзиб, «лаблундай»¹¹ қилиб қўлингизга топшураман» деган ким?! Биз-да биламиз, бу иш қулай эмасдир, кўб вақт истар. Шунинг учундирким: ҳозирдан ишка киришкали ошуқуб турамиз. Биз аробачилар тили билан билим ўқиёлмас экан-биз. Сўзми бу?! Бу қора ишларнинг «хуён ху»¹²лариға ўхшатиб, илмий, адабий тарихига қарамоқ яхши бўлмас эдими?!

Ҳикмат, ҳандаса билимлари арабларға кўқдан инмади¹³. Унлар бу илмларни юнонлилардан олдилар; арабларда бу билимлар йўқ чоғда илмий истилоҳлар ҳам йўқ эди. Бироқ шу «истилоҳи илмийя» деб олған сўзларнинг ўзи бор эди.

Айтаким: ҳаёт билими йўқ экан, *ҳисоб*, «х» деган истилоҳ йўқ бўлса, *ҳисоб* билан «х» сўзи бор эди. Арабнинг шоири, бойи, аробачиси, туячиси — бариси булутни *саҳоб*, билдирғучи нарсани *мади* дер эди. Арабда ҳандаса илми йўқ экан, *зовитон*, *дохлтон* деган истилоҳ бўлмаса, илми арабийнинг мулласиндан тортиб авлиёсиғача ҳаммаси *пучмоқни зовия*, *ичкарини дохил* дер эди.

Насроний ҳаёт мадрасасинда *қуёшға шамс* деганлари каби туячилар уюшмасинда ҳам *шамс* дерлар. Араблар юнон билимларини ўз тиллариға айлантиргач, шул туячилар сўзларини олиб «илмий истилоҳ» қилдилар. Биз нечун шундай қилмай эканбиз?! Турк сўзини аробачилар сўзи деб ташлағандан сўнг араб туячиларидан олған истилоҳларни қабул этайлик. — Сўзми бу?!

ТИЛИМИЗНИНГ АДАБИЙЛИГИ...

(1921 йил Тил ва имло қурултойида сўзланган нутқ)

Шарқ адабиётининг ҳашаматли, рангли бир тарихи бор. Бу дабдабали тарихнинг олдидан ўтканда бу кунги Оврўпа адабиёти ҳам шапкасини олиб салом бериб ўтади. Шунга ўзини мажбур каби кўради.

Шарқ тарихи адабияси бутун дунё адабиёти орасида сингирсиз, мисли йўқ бир боғчадир. Бу гўзал боғчадағи гулларни саралаб кўрмакчи бўлсак, биринчи сирада, қаторда араб ҳам эрон гулларини, икинчи сирада эса, урду ҳам турк чечакларини кўрамиз. Шарқ тарихи адабиясида биринчилик араб-эрон адабиётиға, икинчилик эса урду ва турк адабиётиға берилгандир.

Шарқ тарихи адабиясида ўрин тутқон турк адабиёти-нинг энг муҳими, энг кўби, энг қимматлиси чигатой шева-синдаги адабиётдир. Чигатой тарихи адабияси халқ адабиё-тигагина боғланиб қолмаган. Унда юксак, олий санъаткор адабиёт бор. Чигатой тарихи адабиясида Бойқаро, Навойи, Лутфий, Умархон, Фазлий¹ каби санъат дунёсида мўъжиза кўрсатиб тўфонлар қилган қаҳрамонларга кўб учраймиз. Сўзнинг қисқаси, чигатой адабиёти турли шевали турк ада-биёти орасида энг юксак, энг муҳим ўринни тутғандир. Бошқа шевадаги турк адабиёти бунга ўхшашлиқлар, бу-нинг шогирдликлари билан махтаниб юрадир.

Адабиёт безанган, зийнатланган бир шаклдир. Чигатой адабиёти турк адабиёти орасида юксак, юқори, олий бўл-гандан кейин чигатой тилининг ҳам турк тиллари орасида юксак, юқори, олий ўлганлиғини қабул этмак мутлақо ло-зимдир. Безаниб, зийнатланиб чиқгандан сўнг юқори дара-жага чиройлиқ кўрунган бир қизнинг аслан чиройлиқ бўлу-ви лозимдир. Асли чиройлиқ бўлмаган бир қиз безанмак билан юқори даражада чиройлиқ кўринмас. Меним бу даъ-вом ёлғузгина мантиқий бир даъво бўлса эди. Лекин меним бу даъвом мантиқий бир муҳокамадангина иборат бўлуб қолмайдир. Бунинг бошқа тонуқлари, шоҳидлари бордир.

Чигатойча сарф билан тотор сарфларини саралаб қара-ганда чигатойчанинг сарфда, яъни иштиқоқда бойлиғини кўрамиз. Тилимизнинг сўзда бойлиғини кўрсатмак учун эс-кидан бери вужудга чиқарилган «Муҳокамат ул-луғатайн», «Луғати Чигатой»², «Луғати Навойи»³, «Луғати Хоразм-шоҳий»⁴ каби миллий хазиналаримиз бор. Булардан бошқа турк тили, адабиёти тўғрисида ёзилган асарларнинг ҳар би-рини ўқуғанда «чигатой адабиёти — турк адабиётининг она-си, бобосидир» деган сўзларга учрамоқ мумкиндир.

Адабиётимизнинг турк адабиётлари орасида энг юқори ўринда турғанидан тилимизнинг турк тиллари орасида юқори бир мавқеъ тутганини чиқарган каби бўлдим. Бундан икинчи бир масъала туғуладир: адабиётимиз араб, форс адабиётига қараганда икинчи сирада экан, тилимиз араб, форс тиллариға қараганда икинчи сирадами қолур? Бун-га жавоб берамиз: «Йўқ! Тилимиздаги сўз бойлиғи, иш-тиқоқ кенлиги, қоида тугаллиғи, сарф-наҳв ингичлари»⁵ бошқа шарқ тилларидан қолишмас, бу тўғруларида форс тилини бутунлай кейинга қолдирадир. Иш шундай экан,

адабиётимизнинг кейинга қолишига сабаб шоирлар ва ёзувчиларимизнинг онглашилмас ҳолати руҳияларидир. Ёзувчилар ўз асарларини бутунлай арабча ёзганлар. Туркистон туркларидан Абу Али Сино бутун асарларини арабча ёзган экан, умрида биргина шеър айткан, у ҳам бўлса эронча.

Форс адабиётида мўъжизалар кўрсаткан бир шоир — Заҳририддин Форёбийдир⁶. Туркистонлидир.

Сизга яна бир шоир кўрсатайин: бу киши шарқнинг биринчи шоиридир ҳам биринчи олими, биринчи файласуфидир. Ўзи туркистонли. Ота-бобоси Ҳиндустонга бориб қолган бу шоир шунда туғулиб, шунда яшаган. Ҳиндустонда яшаган бир туркистонли бўлгани учун ўз асарларининг туркча ё урдуча ёзилиши мантиқий эмасми? Бу одам туркчада, урдучада ёзмаган, тутқунда эронча ёзган бу киши машҳур Мирзо Абдулқодир Бедилдир.

Тилимиз шарқ тилларининг биринчиси экан, адабиётимизнинг икинчиси бўлишига сабаб шу ҳоллардир. Тилнинг бу ўртада гуноҳи йўқ. Бу ҳолнинг бир дард ҳамда битирғучи, ўлдурғучи бир дард бўлганини илгариярак онглаган Навоийдир. Навоий турк шоирларининг форси(й)ча ёзишлариға очикдан-очик ёғикди⁷, исён этди. Чигатойчанинг адабий ҳам бой эканини билдирмак учун ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» деган асарини ёзиб чиқарди. Навоий замони чигатой адабиётининг, чигатой тилининг энг кўб юксалган, юқори босган замони бўлиб қолди. Эсиздирким, адабиётимизнинг тарихида икинчи бир Навоийға учрамадик. Навоий асридан кейин адабиётимиз яна эски ҳолиға қайта бошлади. Яна арабчилик, яна форси(й)чилик тил ва адабиётимизни бўғди. Форси(й)чилик ва арабчилик юклари остида эзилган тил ва адабиётимиз Хўқанддағи Умархон даври адабиясиғача касал, оқсоқ бир сувратда давом этди. Ёниб битаёзган чироғ энг сўнг давомида ялт этиб бирдан кўтариладир-да, сўнгра ўчиб қоладир. Бизнинг тил ва адабиётимиз ҳам Умархон замонида ялт этиб бир кўтарилғач, ўчиб қолди. Ундан кейин майдонға келган шоирларимиз ҳам уларнинг асарлари адабиётға янги бир руҳ бергудек бир кучли бўла олмадилар.

Шуни-да айтиб ўтайин: тарихи адабиясида «халққа тўғри» деган бир фикрни яна Навоий даври адабиясида кўрамиз. Бу пайтнинг энг биринчи шоири бўлган Лутфий бутунлай очик ва онларлиқ бир тилда ёзган. Навоий ҳар

бир асарни турк халқини фойдалантирмак, турк халқиға рухий озук бермак тилаги билан ёзганин сўйлар. Умархон даври адабияси эса сарой адабиётидангина иборат бўлган, халқ билан тузукрак муносабат ясай олмагандир.

Яна бир оз вақт берсангиз, тилимизнинг бошиға келганларни ҳам арз этиб ўтайин: мана шундай бўлуб Умархон даври адабиясидан кейин адабиётимизнинг жанозаси ўқулғач, тилимиз ғариб қолди, тил қоидаларини билганлар қўлга тушди...

Мана шу пайтларда эдиким, фикримиз уйғона бошлади. Бошқа турк эллари томонидан чиқарилган газетлар ва китобларни ўқудик. Усули жаид мактаблари ҳам очдик. Илгарирак босуб газет ҳам чиқардик. Мактаб учун, газет учун тилимиз керак бўлуб қолди. Унга янгидан қайғура бошладик, тушуна бошладик. Бу ишларни қилганлар — бизнинг очиқ фикрлиларимиз, зиёлиларимиз эдилар. Бунларнинг сонлари оз, ишлари кўб эди. Муаллимимиз, муршидимиз, муҳарриримиз, адибимиз, шоиримиз, сиёсийимиз, файласуфимиз ҳаммамиз шунлар эдилар. Бунлар шунча ишлари билан бирга тил ва адабиётимизни чуқурроқ, теранроқ текшира олмадилар. Тилимизни тушунар экан, «кеп қопсиз» каби бузуқ сўзлар, ёзувимизни охтарар экан, ҳалиги мадраса мактабларига учрадилар. Бунлар албатта, ёвуқ эди, ярамас эди.

Ҳолбуки, бир ёқдан тили оз-кўб тузалган тотор газетлари ҳам ёзилган китоблари тура(р) эди. Мана шундай кулунч бир ҳолда қолган бурунги зиёлилармиз: «тилимиз илмий, адабий бир тил эмас экан» деган кулунч бир қарашға ҳам келдилар. Мана шунинг билан мактабларимиз, ёзувларимиз усмонлича таъсири остида қолдилар. Матбуотимизға бир оз тоторча ҳам қатнашиб қолди. Тошкентда очилган курсларда она тили сабоқлари учун берилган соатларнинг кўбраги усмонличаға берилди. Самарқандда очилган биринчи муаллимлар курсинда эса, она тили деган нарса киритилмади. 18 инчи йилдаги Маориф шўросининг бир мажлисида⁸ ҳам ўткан йилдаги муаллимларнинг қурултойида шундай бир қарор берилган эди: «Мактабларимизнинг ибтидоий уч йилида она тили — ўзбекча ўқитилсин, ондан сўнг адабий умумий турк тили ўқитилсин!» Бунларнинг адабий умумий турк тили деганлари арабча қатнашган усмонлича эди.

Тилнинг адабийлиги учун «арабийлиги шарт» гапи қабул қилинди. Мен шундай кишиларни танийманки, «ёзуви-

мизни нега арабча билан тўлдурасиз» деганимда, «арабий бўлгани яхши эмасми?» — деганлар. Курсларга ўзбекча сабоқлари учун кирган муаллимларимиз усмонли туркларидан Шайх Васфийнинг арабчадан кўтарилган «Қавойиди лисони усмоний»синдан изофаи ламия, изофаи баёния, изофаи ташбеҳиядан баҳс қилар эдилар. Мана шу ишларнинг ҳаммаси тилимизни таҳқир этиш, тилимизга ҳурматсизлик кўрсатиш эди. Бунларнинг ҳаммаси тил, адабиётимизнинг яхшигина танимасликдан келган эди. Мана шунларнинг ҳаммасига ёғиқмоқ, исён этмак, шунларнинг ҳаммаси билан курашмак учун ёш ва йигит бир куч 18 инчи йилда майдонга келди.

Бу «Чиғатой гурунги» эди. «Чиғатой гурунги» атрофига тўпланган кишиларнинг илгари сурган фикрлари шундай эди:

— тилимизнинг тугал, юксак, санъаткор бир адабиёти бор. Тилимизнинг адабийлиги арабийликда эмас, ўзидир. Шунини тиргизмак керак;

— адабиётимизни юксалтмак учун бурунги санъаткор шоирларимизнинг ўлмаган ва ўлмас нарсалариндан фойдаланмоқ ҳам тараққий қилган улуслар томонидан орага солинган умумий асосларга эришмак керакдир;

— тилимизнинг қоидаларини тоторча ёхуд усмонлича қоида китобларидан эмас, тилимизнинг ўзидан олмоқ керак.

Шунинг учун халқ оғзида юрган сўзларни, халқ адабиёти бўлган эртақлар, мақоллар, лапарларни йиғиб текширмак лозим;

— адабиёт ёзучилиқ бўлгани учун ёзу(в) қоидаларини, имлони ҳам тузатмак керак.

Мана шу беш асос, чизиқ имлодан шул мажлисда гапуришиб ўтдик. Тилимизнинг қоидаларини тузмак, эски адабиётимиздан фойдаланмоқ учун улуғ адибларимизни йиғмоқ, халқ адабиётимизни ҳам халқ сўзларини тўпламоқ керак. Бу моддий воситаларга муҳтож бўлган «Чиғатой гурунги» эмас, тилимиздир. Мана қурултойимиз шу тўғруларда бир қарорга келсун.

МУҚАДДИМАТ УЛ-АДАБ

«Муқаддимат ул-адаб» араб тил(и), адабиётининг энг машҳур олимларидан Замахшарий (Абул Қосим Маҳмуд бинни Умар аз-Замахшарий ҳижрий 538 да¹ ўлган) томо-